

ISLAMONLINE.UZ

adabiyot

Алишер Навоий



Масжидқа неча аҳли
риёдек етайин...



Масжидка неча аҳли риёдек етайин,
Ё ринд киби азимати дайр этайин.
Максуд топилса яхши, йўкса нетайин,
Бошимни олиб кай сари эмди кетайин.

Маълумки, хар бир мусулмон учун масжид муқаддас даргоҳ ва муборак саждагоҳдир.

Масжидга катнаб намоз ўқиш, наинки онгу ахлоқда, балки калб ва рухониятда ҳам фавкулудда холислик ҳамда покизаликни талаб қилади. Ле-кин масжидга катнашнинг ўзи хали дилдаги ниятнинг тозали-гига кафолат бўла оладими? Йўқ, албатта. Ёлгончи, хийлагар, гумрох ва риёкор кимсалар намозхонлар орасида ҳам учраши сир эмас. Навоийга кўра, ахли риё уларнинг энг хавфлисидир. Шу боисдан улуг шоир рубоийни риё ва риёкорлик холини очишга бағишлаган. Бундок каралганда, шеърда ахли риё тўғридан-тўғри кораланаётгани йўқ. Уларнинг холига бир ўхшашлик сезилгани учун шоир ўзини айблаётир:

Масжидка неча ахли риёдек ётайин.

Бу - ботиндаги хийла ва риёни сезиб-сезмай, қачонгача масжидга бориб келайин, дегани бўлади. Одатда, холат зиддияти ҳам одамни йўл излашга ундайди Иккинчи бир ният шундан тугилган:

Ё ринд киби азимати дайр ётайин.

Ринд - дунёни севадиган, хаёт завк-шавкига кўнгил боғлаган киши. Калбдаги "бўшлик"ни у май ва шароб билан тўлдиришни истайди. Дайр - калисо, бутхона демак. Бу сўз мажозан "майхона" ўрнида қўлланилган. Аммо зинхор-базинхор риндни ароқхўр, дайрни ароқхона деб ўйламаслик керак. Чунки Навоий бундай нарсани хаёлга ҳам келтирган эмас. Дайрдан мурод - ҳақ ошиқларининг кўнгли. Риндлар кониб-кониб ичадиган "май" эса илохий ишк. Рубоий қахрамони бир жамоадан ажралиб, иккинчи тоифа - маъно ахли сафига қўшилмокчи. Шу тарзда асл мақсадга эришилса-ку, яхши. Эришилмаса-чи? Унда нима бўлади? Бу саволларга очик-ойдин жавоб беришнинг иложсизлиги сўнги мисраларчи ўқиганда равшанлашади:

Максуд топилса яхши, йўкса нетайин, Бошимни олиб қай сари эмди кетайин.

Инсон қисматида дахлдор шундок чигаллик ва мушкулотлар борки, на дин, на тарикат, на илм-фан уларни тўла-тўқис хал этиб бера олади. Айниқса, фикр одами ўзини ўзи чуқур англашга киришганда, иккиланиш, изтироб, ўз шахсидан каноатланмасликдан бўлак бир каноат тополмайди. Бинобарин, "Бошимни олиб қай сари... кетайин", деган мазмундаги

бир туйгу унинг калбида хамиша калкиб туради. Фикр тургунлиги ва маҳдудлигидан кутулишга уринишнинг битта асосий чораси ҳам мана шу.

Иброхим Хаккул